[3] Глушенко А.Д., Ташболтаев М.Т. Динамика и оптимизация хлопкоуборочного аппарата многократной обработки растений хлопчатника. Ташкент: Фан, 1990. С. 47 – 69.

М.Т. Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар
сейсмик мустаҳкамлиги институти

28.03.2018 й.
қабул қилинган

А.А. Ризаев, А.Т. Йулдашев, Д.А. Қулдошев. Развитие математической модели для определения полноты машинного сбора хлопкоуборочным аппаратом

В статье рассматривается развитие математической модели для определения полноты машинного сбора хлопкоуборочным аппаратом с учетом баланса агротехнических показателей. Анализируются сравнительные численные результаты по известной и предложенной моделям расчета.


A.A. Rizaev, A.T. Yuldashev, D.A. Qo'ldoshev. Development mathematical models of completeness of machine collecting by the cotton-picking device

The article deals with the development of a mathematical model for determining the completeness of engine harvesting by a cotton picker, taking into account the balance of agrotechnical indicators. Comparative numerical results based on the known and proposed calculation models are analyzed.

ТРАКТОР ПОЕЗДИ ТАРКИБИДАГИ ТИРКАМАЛАРНИНГ РАЦИОНАЛ СОНИНИ АНИҚЛАШ

Қишлоқ хўжалиги юкларини ташишда транспорт трактори ва бир ёки бир неча тиркамалардан иборат трактор поездларидан кенг фойдаланилмоқда. Аммо амалиётда двигателининг қуввати 60-80 кВт бўлган ТТЗ-80.10, ТТЗ 100К10, ТТЗ-1030, МТЗ-82, ТД5.100, Беларус 82.2 каби тракторларга учта ва ундан кўп юкли тиркамаларни улаб двигателни зўриқтириб ишлатиш ва аксинча, 90-100 кВт қувватли АХОС 630 С, ТS-135, МХ-135, Беларус 1221 тракторларига битта-иккита тиркамани улаб, двигателнинг 40-50 фоиз имкониятидан фойдаланиш каби салбий ҳолатлар тез-тез учраб туради. Бунинг асосий сабаби – машина-трактор парклари ва фермер хўжалиқларининг муҳандислари ўз балансларидаги тракторларга уларнинг кучлари, техник-эксплуатацион параметрларига қараб муайян юк кўтарувчанликка эга бўлган тиркамадан қанчасини улаш мумкинлиги, яъни тиркамаларнинг рационал сонини аниқлаш методикасига эга эмаслар. Мазкур тадқиқот ана шу камчиликни бартараф этиш мақсадида ўтказилди.

Бир-бири билан шарнирли боғланган иккита тиркама транспорт тракторининг илмоғидаги актив тортиш $P_{ул}$ кучи таъсирида қиялик бурчаги α бўлган текислик бўйлаб тепага ҳаракатлансин (расм).



Трактор поезднинг қия текисликдаги ҳаракат схемаси

Қуйидаги жоизликларни қабул қиламиз:

тиркамаларнинг русумлари, конструкциялари, ғилдирақлар ўлчамлари ва максимал юк кўтарувчанлик имконияти бир хил;

таянч текислиги деформацияланмайдиган қопламага эга;

ғилдирақлардаги шиналар ҳаракат пайтида деформацияланмайди;

тиркамаларнинг ҳаракат тезлиги барқарор ($V = const$);

ҳавонинг ҳаракатдаги тиркамаларга кўрсатадиган қаршилик кучи ҳисобга олинмайди (қия текисликда $V \leq 15$ км/соат бўлгани учун ҳавонинг қаршилиги катта эмас [1]).

Схемадаги белгилашлар:

$P_{ул}$ – тиркамаларни ҳаракатлантирувчи актив ташқи куч (бу куч модул жихатидан трактор илмоғидаги тортиш кучига тенг бўлиб, тиркамаларнинг тортишга кўрсатадиган йиғинди қаршилигини ифодалайди); $G_{II} = m_{II}g$ – ҳар бир тиркаманинг тўла массаси m_{II} (тиркаманинг соф m_c массаси ва юк $m_{ю}$ массасининг йиғиндиси) таъсирида юзага келадиган оғирлик кучи ($G_{II}\sin\alpha$, $G_{II}\cos\alpha$ – унинг ташкил этувчилари); Z_{II} – тиркаманинг олдинги ва орқадаги ғилдирақларига таъсир этувчи босим кучлари; X_{II} – ғилдирақларнинг думалашига қаршилик қилувчи кучлар.

Тиркамалар сони турлича бўлганда $P_{ул}$ кучни аниқлаш формулаларини чиқарамиз.

Битта тиркамага таъсир этувчи кучларнинг Z ўқиға нисбатан мувозанат тенгламаси:

$$\sum_{k=1}^5 Z_k = 0 \text{ ёки } 4Z_{II} - G_{II} \cos\alpha = 0 \Rightarrow Z_{II} = \frac{G_{II} \cos\alpha}{4}. \quad (1)$$

Кучларнинг X ўқидаги проекциялари:

$$\sum_{K=1}^6 X_K = 0 \text{ ёки } P_{ул} - G_{II} \sin \alpha - 4X_{II} = 0 \Rightarrow P_{ул} = G_{II} \sin \alpha + 4X_{II}. \quad (2)$$

Маълумки [2], $X_{II} = Z_{II} f$ (f – ғилдиракнинг думалашга қаршилиқ коэффициентини). (1) ни ҳисобга олсак, $X_{II} = \frac{fG_{II} \cos \alpha}{4}$. Буни (2) га қўйсак,

$$P_{ул} = G_{II} \sin \alpha + 4 \cdot \frac{fG_{II} \cos \alpha}{4} \Rightarrow P_{ул} = G_{II} (\sin \alpha + f \cos \alpha). \quad (3)$$

Тиркама иккита бўлганда:

$$\sum_{K=1}^{10} Z_K = 8Z_{II} - 2G_{II} \cos \alpha = 0. \Rightarrow Z_{II} = \frac{G_{II} \cos \alpha}{4}.$$

$$\sum_{K=1}^{12} X_K = P_{ул} - 2G_{II} \sin \alpha - 8X_{II} = 0. \Rightarrow P_{ул} = 2G_{II} \sin \alpha + 8X_{II}. \Rightarrow$$

$$P_{ул} = 2G_{II} \sin \alpha + 8 \cdot \frac{fG_{II} \cos \alpha}{4}. \Rightarrow P_{ул} = 2G_{II} (\sin \alpha + f \cos \alpha). \quad (4)$$

Тиркама учта бўлганда: $P_{ул} = 3G_{II} (\sin \alpha + f \cos \alpha). \quad (5)$

Тиркамалар сони n та бўлганда: $P_{ул} = nG_{II} (\sin \alpha + f \cos \alpha). \quad (6)$

(6) дан тиркамалар сонини аниқлаш ифодаси келиб чиқади:

$$n = \frac{P_{ул}}{G_{II} (\sin \alpha + f \cos \alpha)}. \quad (7)$$

(7) дан кўриниб турибдики, тиркамалар сони трактор илмоғидаги тортиш кучи $P_{ул}$, поездни ташкил этувчи ҳар бир тиркамага таъсир этувчи оғирлик кучи G_{II} , ғилдиракнинг думалашга қаршилиқ коэффициентини f ва йўлнинг қиялиқ α бурчаги қийматларига боғлиқ.

[3] адабиётда $P_{ул}$ қийматларини ҳисоблашнинг қуйидаги эмпирик формулалари таклиф этилган:

эксплуатацион массаси 2600 кг дан кичик бўлган тракторлар учун

$$P_{ул} = 0.324 G_T = 0.324 m_T g = 0.324 \cdot 1.15 m_K \cdot g \text{ (Н)}; \quad (8)$$

эксплуатацион массаси 2600 кг дан катта иккита ғилдираги етакловчи бўлган 4К2 ва 3К2 формулалари тракторлар учун

$$P_{ул} = 0.373 G_T = 0.373 m_T g = 0.373 \cdot 1.15 m_K \cdot g \text{ (Н)}; \quad (9)$$

эксплуатацион массаси 2600 кг дан катта тўртта ғилдираги етакловчи бўлган (4К4) тракторлар учун

$$P_{ул} = 0.392 G_T = 0.392 m_T g = 0.392 \cdot 1.15 m_K \cdot g \text{ (Н)}, \quad (10)$$

бунда m_K ва $m_T = 1.15m_K$ – тракторнинг конструктив ва эксплуатацион массалари, кг; $g = 9.81 \text{ м/с}^2$ – эркин тушиш тезланиши; G_T – тракторнинг оғирлиги, Н.

Тиркамага таъсир этувчи оғирлик кучи G_{II} унинг умумий (юк билан) массаси (m_{II}) га тўғри пропорционал равишда ўзгариб туради:

$$G_{II} = m_{II} g. \quad (11)$$

Тиркаманинг умумий массаси унинг конструктив m_{IIK} ва эксплуатацион $m_{IIЭ}$ масасалари йиғиндисига тенг: $m_{II} = m_{IIK} + m_{IIЭ}$.

Биз трактор двигателида захира қувватни ушлаб туриш ва тиркаманинг хизмат муддатини узайтириш мақсадида $m_{IIЭ}$ массани максимал юк массаси ($m_{IIЮ}$) нинг (максимал юк кўтариш қобилиятининг) 80 фоизига тенглаб олишни тавсия қиламиз, яъни $m_{IIЭ} = 0.8 m_{IIЮ}$. Бу ҳолда (11) қуйидагича ёзилади:

$$G_{II} = (m_{IIK} + 0.8m_{IIЮ})g, \text{ Н.} \quad (12)$$

Тиркама ғилдиракларининг думалашга қаршилик f коэффициентининг қийматлари йўл қопламасининг тури, ҳолати ва шинанинг эластиклик хусусиятларига боғлиқдир [4]: юзаси қаттиқ қишлоқ йўллари учун $f = 0.03$; асфальт йўллар учун $f = 0.018$; йўлларнинг 70 % асфальт, 30 % қаттиқ қопламага тўғри келади.

Трактор поезди ҳаракатланадиган йўлларнинг қиялик бурчаклари турлича. Аммо [4] адабиёт муаллифи поезд динамикасини $\alpha = 3-6$ градус оралиғида ўрганиш етарли деб ҳисоблайди.

Ғилдирак формуласи 4К2 бўлган ТТЗ 60.10 трактори ва 2ПТС-793А-03А тиркамаси учун (7) бўйича ҳисоб-китобларни қуйидаги ҳоллар учун бажарамиз.

1-ҳол. $G_{II} = \text{const}$, $\alpha = 6^0$, $f = 0.03$. Тракторнинг конструктив массаси $m_k = 2905$ кг, эксплуатацион массаси $m_T = 1.15 \cdot 2905 = 3341$ кг. $m_T = 3341$ кг > 2600 кг бўлгани учун $P_{ул}$ қийматини (9) ифода ёрдамида аниқлаймиз:

$$P_{ул} = 0.373 \cdot 3341 \cdot 9.81 = 12225.15 \text{ Н} = 12.225 \text{ кН.}$$

Тиркаманинг конструктив массаси $m_{IIK} = 1700$ кг, максимал юк кўтариш қобилияти $m_{IIЮ} = 4000$ кг, эксплуатацион массаси $m_{IIЭ} = 0.8m_{IIЮ} = 0.8 \cdot 4000 = 3200$ кг ва умумий массаси $m_{II} = m_{IIK} + m_{IIЭ} = 1700 + 3200 = 4900$ кг. Тиркамага таъсир этувчи оғирлик кучининг қиймати:

$$G_{II} = m_{II}g = 4900 \cdot 9.81 = 48069 \text{ Н} = 48.069 \text{ кН. (7) дан: } n = \frac{12.225}{48.069(\sin 6^0 + 0.03\cos 6^0)} = 1.90 \approx 2 \text{ дона.}$$

2-ҳол. $G_{II} = \text{const}$, $\alpha = 6^0$, $f = 0.018$. Бунда $P_{ул} = 12.225$ кН, $G_{II} = 48.069$ ва $\alpha = 6^0$

ўзгаришсиз қолади. (7) дан: $n = \frac{12.225}{48.069(\sin 6^0 + 0.018\cos 6^0)} = 2.086 \approx 2$ дона.

3-ҳол. $G_{II} = \text{const}$, $\alpha = 3^0$, $f = 0.03$ (7) дан: $n = \frac{12.225}{48.069(\sin 3^0 + 0.03\cos 3^0)} = 3.09 \approx 3$ дона.

4-ҳол. $G_{II} = \text{const}$, $\alpha = 3^0$, $f = 0.018$ (7) дан: $n = \frac{12.225}{48.069(\sin 3^0 + 0.018\cos 3^0)} = 3.618 \approx 4$ дона.

5-ҳол. $G_{II} = \text{const}$, $\alpha = 0^0$, $f = 0.03$ (7) дан: $n = \frac{P_{ул}}{fG} = \frac{12.225}{0.03 \cdot 48.069} = 8.477 \approx 9$ дона.

6-ҳол. $G_{II} = \text{const}$, $\alpha = 0^0$, $f = 0.018$ (7) дан: $n = \frac{12.225}{0.018 \cdot 48.069} = 14.133 \approx 14$ дона.

7-ҳол. Ҳар бирининг оғирлиги $G_{II} = 48.069$ кН, ғилдиракларининг думалашга қаршилик коэффициенти $f = 0.03$ бўлган учта ($n = 3$) тиркамани $\alpha = 6^0$ қияликдаги йўлда ҳаракатлантириш учун талаб этиладиган илмоқ $P_{ул}$ кучининг қиймати аниқлансин.

(7) дан: $P_{ул} = nG_{II}(\sin\alpha + f\cos\alpha) = 3 \cdot 48.069(\sin 6^0 + 0.03\cos 6^0) = 19.302$ кН. (9) ифода ёрдамида тракторнинг оғирлик кучини топамиз: $G_T = P_{ул} / 0.373 = 19.302 / 0.373 = 51.75$ кН = 51750 Н.

Тракторнинг конструктив массаси $m_k = G_T / g = 51750 / 9.81 = 5275$ кг, эксплуатацион массаси $m_T = 1.15m_k = 1.15 \cdot 5275 = 6066$ кг. Демак, қиймати 19.302 кН га тенг илмоқ кучини конструктив массаси $m_k \geq 5275$ кг бўлган 4К2 ғилдирак формулалари бошқа трактор ҳосил қила олади.

Шундай қилиб, двигателининг қуввати 46.7 кВт (63.5 от кучи) ва ғилдирак формуласи 4К2 бўлган ТТЗ 60.10 тракторига максимал юк кўтариш қобилияти 4000 кг бўлган 2ПТС-4-793А-03А русумли тиркамадан 4 дона улаган ҳолда қиялиги 3^0 градусли йўлларда, 2 дона улаб қиялиги 6^0 градусли йўлларда юк ташиш мумкин. Ишлаб чиқилган ҳисоб-китоблар тартибидан бошқа русумлардаги трактор ва тиркамалардан трактор поезди тузиш масалаларини ечишда бемалол фойдаланиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

- [1] Гуськов В.В., Велев Н.Н., Атаманов Ю.Е. и др. Тракторы: Теория: Учебн. для студентов вузов по спец. «Автомобили и тракторы» / Под общ. ред. Гуськова В.В. М.: Машиностроение, 1988. – 376 с.
- [2] Тошболтаев М. Ўзбекистон кишлок хўжалигида машина-трактор агрегатларидан фойдаланиш даражасини оширишнинг назарий-методологик асослари. Тошкент: Фан ва технология, 2016. – 604 б.
- [3] ГОСТ 27021-86 (СТ СЭВ 628-85). Тракторы сельскохозяйственные и лесохозяйственные. Тяговые классы. М.: Изд-во стандартов, 1986. – 10 с.
- [4] Рашидов Н.Р. Тракторные многозвенные поезда. Ташкент: Ўзбекистон, 1981. – 368 с.

Кишлоқ хўжалигини механизациялаш ва
электрлаштириш илмий-тадқиқот институти

04.05.2018 й.
қабул қилинган

М. Тошболтаев, Б. Холиков. Определение рационального количества прицепов в составе тракторного поезда

На основе изучения динамики движения системы прицепов на подъеме выведена формула определения количества агрегируемых с транспортным трактором прицепов. В качестве аргументов приняты: сила тяги на крюке базового трактора, обобщенная сила веса прицепов, коэффициент сопротивления качению их колес, угол подъема дороги.

M. Toshboltaev, B. Holikov. The Determination rational amount trailer in composition of the tractor train

On base of the study speakers moving the system trailer on ascent conclusion formulas of the determination amount unit with transport tractor trailer. As argument are accepted: power of the pulling on hook of the base tractor, generalised power of the weight trailer, factor of the resistance to swing their travell about, corner of the ascent of the road.

УЎК 677.025.17

Д.Х. УБАЙДУЛЛАЕВА, Н.Р. ХАНХАДЖАЕВА, Р.А. БЕГМАНОВ

ПРЕСС АСОСЛИ ТУКЛИ ТРИКОТАЖ ПОЛОТНОЛАРИНИНГ СИФАТИНИ ЭКСПЕРТ УСЛУБДА БАҲОЛАШ

Маҳсулот сифатини ошириш, ассортиментини кенгайтириш ва истеъмолчилар талабини қондириш ҳозирги бозор иқтисодиётининг муҳим вазифаларидан.

Маҳсулот сифатини ўлчаш ва баҳолашнинг назарий ва амалий жиҳатдан боғланиш масалалари ҳозирги кунда мустақил илмий йўналиш сифатида шаклланиб бормоқда.

Маҳсулот сифати – маҳсулотнинг жами хоссаларидан иборат бўлиб, фойдаланишда истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириши зарур.

Маҳсулот сифатини ишлатиш даврида аниқлаш талаб даражасига қараб ўзгариб боради.

Маҳсулотнинг сифат кўрсаткичи – ГОСТ 15467-70 стандартига кўра маҳсулот хоссасининг миқдорий хусусияти бўлиб, сифат таркибига қиради, яъни уни яратиш ва ишлатиш ҳамда истеъмолчиларга етказишдаги талабини қондириш.

Ҳозирги кунда меъёрий техник ҳужжатларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, тўқимачилик материалларининг сифат кўрсаткичларини баҳолашда маҳсулотнинг нави аниқланади.

Маҳсулот сифатини баҳолашда натижанинг қанчалик тўғри ва ҳақиқатга яқин бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга [1].


Маҳсулот сифат кўрсаткичларини аниқлаш – тажриба йўли билан олинган натижаларни меъёрий ҳужжатга солиштирилгандаги баҳосига асосланган бўлади.

Болалар кийимини ишлаб чиқаришда ҳам ашёнинг хусусияти жуда муҳим ҳисобланади. Ҳомашёни тўғри танлаш, маҳсулот сифатининг кафолатидир. Трикотаж корхоналарида ишлаб чиқарилаётган полотноларнинг хусусияти, тўқима тури, толавий таркиби, таркибидаги ҳалқа элементларининг тузилиши ва миқдори, ундан тайёрланадиган маҳсулотларнинг сифатини аниқлашда ва назорат қилишда асосий босқич ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва методикаси. Тадқиқот объекти сифатида айлана игнадонли трикотаж тўқув машиналаридан тўқиб олинган пресс асосли тукли трикотаж матоси танланган. Олиб борилган изланишлар асосида айлана игнадонли тўқув машинасида олинган пресс асосли тукли

трикотаж матосидан болалар устки кийими ишлаб чиқаришга тавсия этишдан олдин матонинг сифат кўрсаткичлари бўйича экспертларнинг фикри асосида мато танланди.

Пресс тўқимаси трикотаж тўқималари ичида енгил тўқима бўлиб, унда халқалардан ташқари пресс протяжкалари ва наброскалари мавжуд. Пресс тўқимасидаги узун протяжкалари тўқима таркибида ҳар хил миқдорда бўлиши мумкин, бу тўқув машинасининг турига боғлиқ. Пресс тўқима турининг афзаллиги, тўқимани олишда тўқувчилик ипларининг ҳар хил турдаги иплардан фойдаланиш имконияти катта, бундан ташқари тўқима олишда тўқув машинасига қўшимча механизмлар киритишни талаб қилмайди [2]. Олинган пресс тўқимасининг хом ашё таркиби 18.5×4 тексли пахта ипидан ташкил топган. Таркибида пресс халқалар миқдори 5 бўлган вариант тўқиманинг тузилиш чизмаси 1-расмда келтирилди, узун пресс наброскалари ҳар бир халқада устидан пресс наброскасини ҳосил қилган (1-расм).



1-расм. Пресс асосли тукли трикотаж тўқимаси тузилиш чизмаси

Пресс асосли тукли трикотаж тўқимасининг таркибидаги протяжкаларининг ҳар хил миқдордаги вариантлари ўрганилиб, таркибида 12.5 % пресс халқалари бўлган вариант танланди ва 8 та сифат кўрсаткичи бўйича таҳлил қилинди. Ушбу вариантни танлашдан мақсад, мато юза зичлиги 403 г/м³, қалинлиги 1.43 мм, бўлганда ҳам ҳаво ўтказувчанлиги 214 см³/см²с ни, иссиқликни сақловчанлиги эса 43 % ни, енгиллиги 5.1 % ни ташкил этиб, шакл сақлаш хусусияти юқори.

Пресс тукли трикотаж матосининг сифат кўрсаткичларини эксперт баҳолаш учун социалогик тадқиқотлардан кейин мутахассис-экспертларнинг сўров маълумотларидан фойдаланилди.

Мутахассис-экспертлар “Тўқима матолари технологияси” кафедрасидан 4 нафар ўқитувчилар, “Тўқимачилик материалшунослиги” кафедрасидан 3 нафар ўқитувчилар иштирок этди ва пресс асосли тукли трикотаж тўқимасининг сифат кўрсаткичларини уларнинг аҳамиятлилиги учун поғонали баҳо берилди ҳамда муҳимроқ бўлган $R=1$ поғонали сифат кўрсаткичлари билан, камроқ аҳамиятга эга бўлганлари $R=n$ сифат кўрсаткичлари аниқланди (Жадвал).

Пресс халқали тукли трикотаж матосининг таркибида 12.5 % пресс халқаси бўлган тукли трикотаж матосининг сифат кўрсаткичлари куйидаги тартиби тузилди, бунда:

X_1 – Узилиш кучи, Н; X_2 – Узилишдаги узайиш, %; X_3 – ҳаво ўтказувчанлиги, см³/см²с; X_4 – Қалинлиги, мм; X_5 – Иссиқликни сақловчанлиги, %; X_6 – Киришиши, %; X_7 – Юза зичлиги, г/м³; X_8 – Ҳажм зичлиги, мг/см³.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Рангали баҳолашнинг алоҳида сифат кўрсаткичлари жадвалда келтирилган бўлиб, аҳамиятли кўрсаткичлар $R=1$ ранга билан, энг кам аҳамиятлиси эса $R=n$ билан баҳоланди.

$$\sum_{i=1}^n R_{ji} = (1 + 2 + 3 + \dots + n) = 0.5n(n + 1) = 0.5 \times 8 \times (8 + 1) = 36, \quad (1)$$

бу ерда n – сифат кўрсаткичлар сони, $n=8$.

Куйидаги формула бўйича ҳар бир кўрсаткич учун рангалар йиғиндиси S_i аниқланди:

$$S_i = \sum_{j=1}^m R_{ji} = 36 \quad (2)$$

бу ерда m – экспертлар сони, $m=7$.

Ҳар бир танланган сифат кўрсаткичларидан аҳамиятли коэффициентлар куйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$\gamma_i = \frac{S_{\max} - S_i}{\sum_{i=1}^n (S_{\max} - S_i)} = \frac{mn - S_i}{mn^2 - m \sum_{i=1}^n R_{ji}} = \frac{7 \times 8 - 22}{7 \times 8^2 - 7 \times 36} = 0.17, \quad (3)$$

бу ерда S_i – ҳар бир сифат кўрсаткич бўйича рангалар йиғиндиси.

Дастлабки ҳар бир n танланган хоссаларидан, ҳамда $\gamma_i=0$, $S_i=S_{\max}=mn$ кам бўлмаган хоссалари учун барча экспертларнинг рангали баҳоланиши тўлиқ мос келишида аҳамиятли коэффициентлар (3) формула бўйича аниқланади.

Эксперт баҳолаш бўйича ҳисоблаш натижалари жадвалда кўрсатилган.

Экспертлар баҳоси ва ҳисоб натижалари

Экспертлар шифри, j	Сифат кўрсаткичларини x_i рангали баҳолаш							x_8	Йиғинди	T_j
	x_1	x_2	x_3	x_4	x_5	x_6	x_7			
1	4	3	2	1	5	7.5	6	7.5	36	0.5
2	3	5	1	2	7	4	8	6	36	
3	4	1	3	2	5	6	7	8	36	
4	1	3	4	2	5	6	8	7	36	
5	4	3	2	1	5	7	8	6	36	
6	2	1	3	4	7	5	6	8	36	
7	4	1	3	2	7	5	8	6	36	
S_i	22	17	18	14	41	40	51	49	252	
$mn - S_i$	34	39	38	42	15	16	5	7		
γ_i	0.17	0.20	0.19	0.21	0.07	0.08	0.02	0.03		
γ_{i0}	0.20	0.23	0.22	0.25						
δ_{i0}	1	1.15	1.1	1.25						
$S_i - \bar{S}$	-9.5	-14.5	-13.5	-17.5	9.5	8.5	19.5	17.5		
$(S_i - \bar{S})^2$	90.25	210.25	182.2	306.2	90.25	72.25	380.2	306.8	1556.8	

(1) формуланинг тенглиги эътиборга олинса, унда (2) формула қуйидаги кўринишга келади:

$$\gamma_i = \frac{mn - S_i}{0.5mn(n-1)}. \quad (4)$$

Кўпроқ аҳамиятли $\gamma_{\max} = \frac{2}{n}$, $\sum \gamma_i = 1$ хоссаларига эгалигидан (4) формула бўйича барча экспертларнинг баҳолашига тўғри келади. Сифат кўрсаткичларнинг бир хил аҳамиятлилиги $\gamma_i = \frac{1}{n}$ га тенг бўлади.

Барча сифат кўрсаткичлари n дан юқори n_0 аҳамиятлиси учун $\gamma_i > \frac{1}{n}$ ажратилади ва улар учун аҳамиятли коэффициент қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$\begin{aligned} \gamma_{01i} &= \frac{mn - S_{01}}{mnn_0 - \sum_1^{n_0} S_{i01}} = \frac{34}{7 \times 8 \times 4 - 57} = \frac{34}{167} = 0.20, \\ \gamma_{02} &= \frac{mn - S_{02}}{mnn_0 - \sum_1^{n_0} S_{02}} = \frac{39}{7 \times 8 \times 4 - 57} = \frac{39}{167} = 0.23, \\ \gamma_{03} &= \frac{mn - S_{03}}{mnn_0 - \sum_1^{n_0} S_{03}} = \frac{38}{7 \times 8 \times 4 - 57} = \frac{38}{167} = 0.22, \\ \gamma_{04} &= \frac{mn - S_{04}}{mnn_0 - \sum_1^{n_0} S_{04}} = \frac{42}{7 \times 8 \times 4 - 57} = \frac{42}{167} = 0.25, \end{aligned} \quad (5)$$

бу ерда n_0 -қолдирилган аҳамиятли хоссаларининг сони; S_{i0} – ҳар бир қолдирилган хоссалари учун рангалар йиғиндиси.

Ҳисобдан чиқарилган кўрсаткичларнинг нисбий δ_{i0} аҳамиятлилиги қуйидаги формула бўйича аниқланди.

$$\delta_{i0} = \frac{\gamma_{i01}}{\gamma_{\min}} = \frac{0.20}{0.20} = 1, \quad \delta_{i0} = \frac{\gamma_{i0}}{\gamma_{\min}} = \frac{0.23}{0.20} = 1.15,$$

$$\delta_{i0} = \frac{\gamma_{i0}}{\gamma_{\min}} = \frac{0.22}{0.20} = 1.1, \quad \delta_{i0} = \frac{\gamma_{i0}}{\gamma_{\min}} = \frac{0.22}{0.20} = 1.1, \quad (6)$$

бу ерда γ_{\min} – ҳисобдан чиқарилган хоссаларининг аҳамиятли коэффициентларидан энг кичиги.

Жадвалдаги T_j битта экспертнинг турли кўрсаткичларни бир хил рангада баҳолашдаги кўрсаткич:

$$T_j = \frac{1}{12} \sum_1^u (t_j^3 - t_j), \quad (7)$$

бу ерда: $u - j$ та экспертнинг бир хил баҳолашдаги рангалар сони $u=2$.

Жадвалда 2 та эксперт учун:

$$T_j = T_2 = \frac{1}{12} (2^3 - 2) = 0.5.$$

Экспертларнинг баҳолашдаги ўзаро келишувчанлигини аниқлаш учун экспертларнинг бошланғич рангали (поғонали) баҳолаш натижаларидан фойдаланилади (Жадвал).

Конкордация (ўзаро келишувчанлик) коэффициенти қуйидаги формула ёрдамида аниқланди:

$$W = \frac{\sum_{i=1}^n (S_i - \bar{S})^2}{\frac{1}{12} m^2 (n^3 - n) - m \sum_{j=1}^m T_j} = \frac{1556.85}{2056 - 3.5} = 0.75. \quad (8)$$


Бошланғич барча кўрсаткичлар учун ранга йиғиндисининг ўртача қиймати топилди:

$$\bar{S} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n S_i = 0.5m(n+1) = 0.5 \times 7 \times (8+1) = 31.5, \quad (9)$$

$(S_i - \bar{S}), (S_j - \bar{S})^2$ қийматлар аниқланди (жадвал).

Унинг аҳамиятлилигини баҳолаш учун χ^2 Пирсон мезони бўйича ҳисобланди.

$$\chi^2 = Wm(n-1) = 0.75 \times 7 \times (8-1) = 36.75. \quad (10)$$



2-расм. Пресс асосли тукли трикотаж матосининг физик-механик хусусиятлари бўйича Априор диаграммаси

Пресс асосли тукли трикотаж матосининг физик-механик хусусиятлари бўйича Априор диаграммаси тузилди (2-расм). X_4 – Қалинлиги, X_2 – узилишдаги узайиш, X_3 – ҳаво ўтказувчанлиги, X_1 – узилиш кучи каби асосий кўрсаткичлари энг аҳамиятлилигини поғонали баҳолаш диаграммасида аниқ кўринади.

Агар $\chi_{хис}^2 > \chi_{жад}^2$ бўлса, унда экспертларнинг рангали баҳолашини аҳамиятли деб белгиланади.

Ўрганилган пресс асосли тукли трикотаж матосидан болалар кийими тайёрлашда экспертлар аниқлаган аҳамиятли сифат кўрсаткичларини жадвалий қиймати $P_D=0.95$; $\alpha=0.05$; $\chi_{жад}^2 = 14.1$ дан $\chi_{хис}^2 = 36.75$ катталиги аниқланганлигига мувофиқ ушбу матони болалар кийими ишлаб чиқаришга тавсия этиш мумкин. $\chi_{жад}^2 = 36.75 \geq 14.1 = \chi_{0.05}^2$ дан 8та экспертнинг поғонали баҳолашдаги аҳамиятли келишувчанлигига эга бўлди.

Агар $\chi_R^2 \leq \chi_T^2 [\alpha = 0.05; f = n - 1]$ бўлса, олинган натижа мос, яъни экспертлар хулосаси - мос келади деб хулоса қилинди [3].

Хулоса. Ўтказилган адабиётлар таҳлили ва олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, барча ҳолатларда аҳамиятли сифат кўрсаткичларининг минимумини танлашдан кейин, бу боғланишдаги кўрсаткич даражасига ўзаро боғлиқлиги $R_D=0.95$; $\alpha=0.05$ бўйича таҳлил қилинди. Кучли корреляцион боғлиқликка эга бўлган кўрсаткичлардан кейин, энг аҳамиятли кўрсаткичлар: узилишдаги узайиш, ҳаво ўтказувчанлик, узилиш кучи ва қалинлиги қолдирилди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасидан маълум бўлдики, танланган пресс тукли трикотажа тўқимаси ўзининг энгил тузилишга эга бўлиши билан бирга, физик-механик кўрсаткичларининг аҳамиятлилари бўйича танланди ва болалар устки кийимлари ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

АДАБИЁТЛАР

- [1] Соловьев А.Н., Кирюхин С.М. Оценка и прогнозирование качества текстильных материалов. М.: Легкая и пищевая промышленность, 2008.
- [2] Hanhadjaeva N., Mukimov M. New Knitting Fabric Structure Made on Flat-Bed Knitting Machine // The Second International Symposium on Educational Cooperation for "Industrial Technology Education" 4-6.07.2008. P. 353–364.
- [3] Очилов Т.А., Аббасова Н.Г., Абдуллина Ф.Д. Газламашунослик // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент. 2012.

Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти

12.03.2018
қабул қилинган

Д.Х. Убайдуллаева, Н.Р. Ханхаджаева, Р.А. Бегманов. Экспертный метод выбора значимых показателей качества прессового трикотажного полотна

В статье приведены результаты опроса экспертов по 8 качественным показателям плюшевых трикотажных полотен на основе прессового переплетения. Проведён анализ по выявлению значения особых свойств трикотажа. Рекомендован вариант полотна, обладающий наилучшими показателями растяжимости, разрывной нагрузки и воздухопроницаемости для производства детской одежды.

D.Kh. Ubaydullaeva, N.R. Khanhadjayeva, R.A. Begmanov. Experts selecting meaningful indicators of quality pressing knitted fabric

In article results of interrogation of experts on 8 quality indicators of plush knitted fabric on the basis of cardigan structures are resulted. The analysis on value of special properties of knitting is carried out, the variant of a fabric possessing more indicator of breakage elongation. Strength and air permability for manufacture of children's knitwear is recommended.

УЎК 681.586.57

Р.Р. ХУДАЙКУЛИЕВ, А.Т. ЙЎЛДАШЕВ, Д.А. ҚЎЛДОШЕВ

ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАСИ ИШ УНУМИНИ БАШОРАТЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МОДЕЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Қишлоқ хўжалиги машиналарининг асосий кўрсаткичларидан бири уларнинг иш унумидир. Бундай машиналарнинг иш унумини олдиндан назарий ҳисоб китоблар орқали аниқлаш амалиётда катта аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган машиналарнинг иш унумини ҳисоблаш назарияси ривожига Ю.К. Киртбая, Б.С. Свирщевский, Б.А. Линтварев каби олимлар салмоқли ҳисса қўшган [1–3].

Машина трактор паркларида мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан самарали фойдаланишга оид адабиётларда [1–4] агрегатлар иш унумини йил фаслларига қараб соатда, сменада, суткада ва йиллик қилиб ҳисоблаш мумкинлиги айтилган бўлиб, улар назарий ва техник иш унумларига ажратилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Пахта хом-ашёсини териб олишда ишлатиладиган терим машиналарининг иш унуми ҳам икки турдаги ўлчов бирликларида аниқланади:

- 1 соатда машина бункерига терилган пахта миқдори, кг/соат;
- 1 соатда терим машинаси билан ишлов берилган дала улуши, га/соат.

Вертикал шпинделли пахта терувчи машиналарни такомиллаштириш орқали уларнинг иш унумини ошириш мақсадида ЎзФА МИСМИ, ТИМҚХМИ қошидаги ҚХМЭ ИТМ (собик САИМЭ), БМКБ-Агромаш (собик ДМКБ-Пахтачилик) ва “Технолог” ИИЧБ каби ташкилотлар томонидан иш жараёнида ўзини-ўзи ифлосликлардан тозалайдиган камровчи элемент билан жиҳозланган таркибий шпинделларнинг бир қатор конструкциялари яратилган. Бундай шпинделлар ўрнатилган пахта териш машиналарида очилган кўсаклар улуши 70-80% бўлганда пахта ҳосилини териб олиш технологиясига оид илмий ва амалий тадқиқот ишлари 1966-1980 йиллар оралиғида кенг кўламда олиб борилган.

Академик Х.Х. Усмонхўжаев тамонидан пахта териш машиналарининг иш унумини баҳоловчи математик моделининг ишлаб чиқилиши юқорида келтирилган илмий изланишлар натижасида юзага келган ва у қуйидагича ифодаланган [5,6]:

$$W = 10^{-2} \eta m H V_M \cdot \Pi y \cdot q_0, \quad (1)$$

бу ерда W – пахта териш машинасининг иш унуми, т/соат; η – машина фойдали иш вақтининг улуши; m – терим аппаратидаги қаторлар сони; H – ғўза қаторлари орасининг кенглиги, м; V_M – машинанинг иш тезлиги, км/соат; y – ғўза тупларидаги умумий пахта ҳосилдорлиги, ц/га; Π – ғўза тупидаги очилган кўсаклар улуши; q_0 – машинанинг терим тўлиқлиги; Πy – очилган кўсаклар бўйича ҳосилдорлик.

Х.Х. Усмонхўжаевнинг таъкидлашича кертма шпинделлар билан жиҳозланган пахта териш машинасининг ўртача фойдали иш вақти 40 фоиздан ошмайди, натижада унинг иш унуми пастлигича қолади [6].

Технологик хизмат кўрсатишларга боғлиқ бўлган тўхтаб қолишлар эса 30%ни, технологик иш жараёнининг бузилиши ва машинадаги баъзи деталларининг деформацияланиши ёки синиши билан боғлиқ бўлган тўхташлар ҳам 30 % ни ташкил этган. Пахта териш машинасининг ўртача фойдали иш вақтини ва унга мос равишда иш унумини яъни, биринчи омилни сезиларли даражада ошириш учун таркибий шпинделлардан фойдаланилган. Шунингдек, муаллиф томонидан кўсакларининг очилганлик даражаси пахта териш машинасининг иш унумига қай даражада таъсир қилиши ўрганилган ва олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган [6].

Ушбу жадвалда келтирилган сонли қийматлардан кўриниб турибдики, кўсакларнинг очилганлик даражаси Π ортиши билан машинанинг бир соатдаги иш унуми ҳам ортиб боради. Масалан, ғўза тупидаги очилган кўсаклар миқдори 90 % бўлганда машинанинг иш унуми 0.840 т/соатга тенг. Бу эса кўсаклар 50% очилганда машинанинг иш унуми 0.467 т/соат деб келтирилган кўрсаткичдан деярли икки мартага катта.

1 - жадвал

Кўсакларининг очилганлик даражасини пахта териш машинаси иш унумига таъсири

у, ц/га	Π улуш (%)	Πу, ц/га	q ₀	q ₀ , ц/га	η	Н, м	V _M , км/соат	W, т/соат
30	0.5 (50)	15.0	0.8	12.0	0.6	0.9	3.6	0.467
30	2.6 (60)	18.0	0.8	14.4	0.6	0.9	3.6	0.560
30	0.7 (70)	21.0	0.8	16.8	0.6	0.9	3.6	0.653
30	0.8 (80)	24.0	0.8	19.2	0.6	0.9	3.6	0.746
30	0.9 (90)	27.0	0.8	21.6	0.6	0.9	3.6	0.840
30	1.0 (100)	30.0	0.8	24.0	0.6	0.9	3.6	0.933

Изоҳ: бункерга йиғилган пахта миқдори очилган кўсаклар бўйича ҳосилдорликнинг $q_0 = \Pi y \cdot q_0$ терим тўлиқлиги кўпайтмасидан иборат.

Кейинги босқичда эришилган ютуқларнинг тўлақонли бўлишини таъминлаш мақсадида яна бир қанча илмий изланишлар олиб борилган ва натижада кўсакларнинг очилганлик даражаси таркибий шпинделлар ўрнатилган машина билан териб олинган пахтанинг сифат кўрсаткичларига (толанинг пишқлиги, чиқими ва навдорлиги) қандай таъсир қилиши ўрганиб чиқилган ва қуйида келтирилган 2-жадвал кўринишидаги учта мавсумга тегишли бўлган маълумотлар олинган [6].

Пахта кўсаклари очилганлик даражасининг тола сифатига таъсири

Кўрсаткичлар	1980 йил				1981 йил				1982 йил			
	90	80	70	60	60	70	80	90	60	70	80	90
Кўсакларнинг ўртача очилганлик даражаси, %	90	80	70	60	60	70	80	90	60	70	80	90
Толанинг пишиқлиги, г	4.0	4.0	3.9	4.1	3.7	3.7	3.8	3.8	3.7	3.5	3.5	3.5
Толанинг чиқиши, %	32.2	32.2	32.2	33.5	30.2	30.2	30.2	-	32.0	32.0	32.0	32.0
Толанинг нави	II	II	II	II	III	III	III	-	III	III	II	III

2-жадвалда келтирилган сонли қийматлар кўрсаткичларнинг очилганлик даражаси юқори бўлиши толанинг сифат кўрсаткичларига (пишиқлик, чиқим ва навдорлиги) салбий таъсир этмаслигини кўрсатиб турибди.

Р.Туркменов ва З.Қурбаналиевлар пахта териш машинасининг қамров кенглиги ва ҳаракат тезлиги иш сифатининг кўрсаткичларига қандай таъсир қилишини ўрганишган [7, 8]. Уларнинг тажрибаларида терим аппаратининг қамров кенглиги ва машинанинг ҳаракат тезлиги ошиши билан технологик жараёндаги кўрсаткичларнинг ёмонлашиш тенденцияси кузатилган, айниқса машинанинг терим тўлиқлиги камайган, пахтанинг ғўза тупларидаги чанокда қолиб кетиши ва ерга тўкилиши эса кўпайган. Қамров кенглиги 1.8 м дан 5.4 м гача ошганда ҳаракат тезлиги 0.90 м/с гача пасайиб, терим тўлиқлиги 5.4 % га, ҳаракат тезлиги 2.08 м/с гача ортганда терим тўлиқлиги 13.7 % га пасайган.

Далаларда етиштирилган пахта ҳосилининг турли марказдаги машиналарда териб олиш жараёни икки босқичда амалга оширилганлиги боис горизонтал ва вертикал шпинделли машиналарнинг қатор оралари 90 см бўлган далаларда ўтказилган синовларда аниқланган бир соатдаги асосий ва сменавий иш унумининг қийматлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Турли русумдаги пахта териш машиналарни 1 соатдаги иш унумининг синовларда аниқланган қийматлари

Машина маркаси	1-соатдаги иш унуми, га (1-чи терим)		1-соатдаги иш унуми, га (2-чи терим)		Манба
	Асосий	Сменада	Асосий	Сменада	
4 қаторли "Кейс-2155"	1.7–2.0	0.7–1.3	2.4–2.7	1.6–2.0	[9]
2 қаторли "Кейс-2022"	1.1	0.6–0.7	1.3–1.4	0.9–1.0	[9]
2 қаторли ХМГ-01	0.7–0.9	0.5–0.6	1.1	0.8	[9]
ТТЗ100К.11 тракторига осилган 2 қаторли вертикал шпинделли машина	0.68	-	0.85	-	-
ХНП 1,8	0.66	0.32	1.03	0.50	[9]
2 қаторли «Джон Дир 990» МТЗ-80х тракторига осилган	1.02	0.57	-	-	[10]

Жадвалдан кўриниб турибдики, иккинчи пахта теримида барча машиналарнинг иш унуми биринчи теримдагидан юқори, чунки иккинчи теримда машинанинг иш тезлиги баланд. Горизонтал шпинделли машиналарнинг пухталиги ва ишчи тезликнинг юқорилиги уларнинг нисбатан катта унум билан ишлашини таъминлаган.

Жадвалдан яна шуни кўришимиз мумкинки машинанинг асосий вақтдаги ва смена давомидаги иш унумлари орасида катта фарқ бор. Шу сабабли янгидан яратиладиган ҳисоблаш моделларида машина иш унумдорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни, айниқса вақтнинг тўлиқ балансини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Академик Ш.У. Йўлдашевнинг тадқиқотларида пахта териш машинасининг иш унуми қуйидагича ифодаланган [11]:

$$W_c = 0,36 B_p v_p Y_x \varepsilon \rho t_p, \quad (2)$$

бу ерда W_c – смена давридаги иш унуми, кг/соат; B_p – машинанинг қамров кенглиги, м; v_p – машинанинг ишчи тезлиги, м/с; Y_x – даладаги пахта ҳосилдорлиги, кг/га; ε – пахта

кўсакларининг очилганлик даражаси; ρ – машина бункерига терилган пахталар улуши; t_p – теримга сарф бўлган (тоза) иш вақти улуши; 0.36 – тенгламанинг чап ва ўнг томонларидаги ўлчамларни ҳисобга олиш коэффициентлари.

Шунингдек муаллиф пахта териш машинаси самарадорлигини “Пахта даласи-механик-ҳайдовчи-машина” эрготик тизим доирасида ўрганишни ва терим тўлиқлигини қуйидаги модел-функция шаклида ифодалашни таклиф этган:

$$W_T = F [B_k, S_M, v, \gamma_0, y_x, G(t), \tau], \quad (3)$$

бу ерда B_k – терим аппаратидаги қаторлар сони; S_M – қатор орасининг кенглиги; v – машинанинг иш тезлиги; γ_0 – кўсакларнинг очилганлик даражаси; y_x – умумий пахта ҳосилдорлиги; $G(t)$ – бункерга терилган пахтанинг ўртача циклик миқдори; τ – смена вақтидан фойдаланиш коэффициенти.

Шундай қилиб, пахта теримида машина иш унумини машина параметрлари, дала агрофони кўрсаткичлари ва теримга сарфланган вақт улушларини ҳисобга оладиган F функция шаклида шундай ёзиш мумкин:

$$W_T = F \left[\frac{B_p, S_M, v, \gamma_p, y_p, G(t)\tau}{(T_{обс}, T_{см}, T_{оч}, T_{рег}, T_{y.o.})} \right], \quad (4)$$

бу ерда $T_{мхк}$ – машинага техник хизмат кўрсатишга кетган вақт улуши; T_M – деталларни мойлашга кетган вақт улуши; $T_{им}$ – ишчи органларни ифлосликлардан тозалашга кетган вақт улуши; $T_{соз}$ – ишчи органларни созлашга кетган вақт улуши; $T_{нбэ}$ – машинадаги носозликларни бартараф этишга кетган меҳнат сарфлари; киши-соатларда.

Пахта териш машиналарининг иш унумларини башоратлашга доир юқорида келтирилган модел-формулар шундан далолат берадики, улар замонавий компьютер воситалари ва дастурларидан фойдаланиб ҳисоблаш ишларини бажаришда муайян камчиликларни туғдиради. Шу боис компьютер техникасига мос бўлган замонавий башоратлаш моделларини қуйидагича таклиф қилиш ўринли бўлади.

Пахта ҳосилдорлиги G_y (кг/га) бўлган $G_p/G_y ПВnL10^{-4}$ (га) майдондаги пахта даласидан битта бункерга $G_b K_b$ (кг) хом ашё териб олинади:

$$G_b K_b = G_y \frac{G_p}{G_y} ПВnL10^{-4}, \quad (5)$$

бунда L – бункерни $G_b K_b$ миқдордаги пахта билан тўлдириш учун талаб этилган ғўза қаторининг умумий узунлиги (м).

L масофани босиб ўтиш учун сарфланган асосий терим вақти (t_c):

$$t_c = \frac{L}{V_M}, \text{ с.} \quad (6)$$

(5) дан L ни топиб, (6) га қуйсак, пахта териш машинасининг битта бункерни тўлдириш учун сарфланган вақт қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$t_c = \frac{10^4 G_b k_b}{G_y ВП V_M \frac{G_p}{G_y} n}, \text{ с.} \quad (7)$$

Битта бункерни тўлдириш учун машинанинг ўтишлар сони $N_{1b} = t_c : (L/V_M)$ (7) ни ҳисобга олсак,

$$N_{1b} = \left[\frac{10^4 G_b k_b}{G_y ВП V_M \frac{G_p}{G_y} n} \right] : \left(\frac{L}{V_M} \right). \quad (8)$$

Агар пахта териш машинасининг бир марта бурилиб қайтиб олишга сарфлаган ўртача вақти қиймати (t_k) ни эътиборга олсак, битта бункерни тўлдириш учун бурилиб ва қайтиб олишга сарфланган умумий вақт $t_k N_{1b}$ га тенг бўлади.

Машина ℓ узунликдаги далани N_{1b} марта босиб ўтганда бир бункер пахта териш учун $N_{1b} \frac{\ell}{V_M}$ вақт кетади.

Табиийки, машина 1 бункер пахтани бўшатиш учун $1 \cdot t_B$ вақт сарфлайди.

Демак, машина теримида битта бункер пахтани териб олиш ва уни тўқишга кетган вақт сарфи:

$$t_{1b} = \frac{\ell}{V_M} N_{1b} + N_{1b} t_k + 1 t_B, \text{ с.} \quad (9)$$

Кўриниб турибдики, машина t_{1b} вақт ичида $G_b k_b$ миқдордаги, $t_c + t_B + t_k$ ёки $t - t_T$ вақт давомида W_{kg} миқдордаги пахтани териб олади.

Булардан қуйидаги пропорциялар келиб чиқади:

$$\begin{aligned} t - t_T \rightarrow W_{kg} & \Rightarrow \frac{W_{kg}}{G_b k_b} = \frac{t - t_T}{t_{1b}} \Rightarrow W_{kg} = \frac{(t - t_T) G_b k_b}{t_{1b}}, \text{ кг.} \quad (10) \\ t_{1b} \rightarrow G_b k_b & \end{aligned}$$

Бунда $t - t_T$ с, t_{1b} с, $G_b k_b$ кг.

Энди машина иш унумининг гектар (га) ҳисобидаги ифодасини чиқарамиз.

Юқорида кўрдикки, машина t_{1b} вақт ичида бир бункер пахта майдони юзасининг катталиги nBL ёки $nBN_{1b}\ell$ бўлган майдондан териб олади (расм). Машина $t - t_T$ вақт давомида W_{ga} иш унумига эришади. Демак,

$$\left. \begin{aligned} t - t_T \rightarrow W_{ga} \\ t_{1b} \rightarrow nBN_{1b}\ell \end{aligned} \right\} \Rightarrow \frac{W_{ga}}{nBN_{1b}\ell} = \frac{t - t_T}{t_{1b}} \Rightarrow W_{ga} = \frac{t - t_T}{t_{1b}} nBN_{1b}\ell.$$

W_{ga} ни (га) ўлчамга келтирамиз:

$$\begin{aligned} W_{ga} &= \frac{t - t_T}{t_{1b}} nBN_{1b}\ell \left[\frac{[c]}{[c]} \right] [M][M] \Rightarrow \\ W_{ga} &= \frac{t - t_T}{t_{1b}} nBN_{1b}\ell \frac{[10^4 M^2]}{10^4} \Rightarrow \\ W_{ga} &= \frac{10^{-4} (t - t_T) nBN_{1b}\ell}{t_{1b}}, \text{ га.} \quad (11) \end{aligned}$$

Бунда $t - t_T$ с, t_{1b} с, B м, ℓ м.

Шундай қилиб мақолада таклиф қилинган пахта териш машинаси иш унумини гектар ва килограмм ҳисобида баҳолашнинг W_{ga} ва W_{kg} моделлари ҳисоб-китобларни дала аграфони ва машина параметрларини эътиборга олган ҳолда, машинадаги узел ва деталларини лойиҳалаштириш босқичида аниқ қилиб бажариш ҳамда ишлаб чиқаришда бўладиган қайта тайёрлаш ишларини қисқартириш имкониятини беради.

АДАБИЁТЛАР

- [1] Киртбая Ю. К. Резервы в использовании машинно-тракторного парка. М.: Колос, 1976. –236 с.
- [2] Свирщевский В. С. Эксплуатация машинно-тракторного парка: Изд. 3, перераб. М.: Сельхозгиз, 1958.–660с.
- [3] Линтварев Б. А. Научные основы повышения производительности сельскохозяйственных агрегатов. М., 1962. – 182 с.
- [4] Хробостов С. Н. Эксплуатация машинно-тракторного парка. М.: Колос, 1973. – 138 с.
- [5] Усманходжаев Х. Х. Прогноз производительности хлопкоуборочной машины. Ташкент: Узбекистан, 1980. – 26 с.

- [6] Усманходжаев Х.Х. Теория механизмов и производительность хлопкоуборочных машин. Ташкент: Фан, 1990. – 116 с.
- [7] Туркменов Р.И. Исследование основных показателей хлопкоуборочных машин для широких междурядий (0,9 м) с целью обоснования параметров и режимов их работы: Дис. ... канд. техн. наук. Янгиюль, 1981. – С.17.
- [8] Курбаналиев З. Исследование и обоснование основных параметров хлопкоуборочной машины: Дис....канд. техн. наук. Ташкент: ТИИМСХ, 1978. – 166 с.
- [9] Заключение по результатам испытаний импортных образцов горизонтально-шпиндельных хлопкоуборочных машин фирмы «Кейс»: четырехрядной – модель 2155, двухрядной – модель 2022 и двухрядной горизонтально шпиндельной машины ХМГ-01 ГСКБ по машинам для хлопководства в сезоне. Ташкент, 1996. – 30 с.
- [10] Протокол № 33-34-96 /516, 517/ Государственных испытаний хлопкоуборочных машин фирмы «Джон-Дир» моделей 9935 и 990 на полях ТОО «Центр сервис СХМ» Махтаральского района Южно- Казахстанской области. Ташкент: УзМИС, 1997. С. 21.
- [11] Юлдашев Ш.У. Основы технического уровня хлопкоуборочных машин. Ташкент: Фан, 1980. – 240 с.

М.Т.Ўрозбоев номидаги Механика ва
иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти

18.04.2018 й.
қабул қилинган

Р.Р. Худайкулиев, А.Т. Ёулдашев, Д.А. Қулдошев. Разработка современных моделей прогнозирования производительности хлопкоуборочных машин

В статье приведены современные модели прогнозирования производительности хлопкоуборочных машин, позволяющие учитывать состояние агрофона и основные параметры хлопкоуборочных машин.

R.R. Hudaykulyev, A.T. Yuldashev, D.A. Qo'ldoshev. Development of the modern models of prediction of efficiency of mechanical cotton pickers

The modern models of prediction of efficiency of mechanical cotton pickers allowing to consider a condition of an agrohume noise and key parameters of mechanical cotton pickers are given in article.

УЎК 631.3+634

И.Т. ЭРГАШЕВ, Х.Қ. ПАРДАЕВ, А.И.ИСМАТОВ

БОҒ ҚАТОР ОРАЛАРИГА ТЕКИС ИШЛОВ БЕРАДИГАН ПЛУГ ТАЯНЧ ҒИЛДИРАКЛАРИГА ТУШАДИГАН ЮКЛАМАНИНГ НАЗАРИЙ ТАДҚИҚОТИ

Боғ қатор ораларини шудгор қилиш драхтларни бутун ўсув даври давомида тупроқда нам тўплаш ва намликни бир меъёрда сақлаш имконини беради. Шудгорлаш тупроқдаги ҳаво ва иссиқлик режимини яхшилади, тупроқдаги биологик жараёнларни кечишида ва озик моддалар тўпланишига ёрдам беради, қатор ораларини бегона ўтлардан тозалайди. Асосий ишлов бериш мева дарахтларининг илдиз тизими, ер устки қисмларининг яхши ривожланиши ва боғларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун қулай шароит яратадиган асосий агротехник тадбирлардан ҳисобланади [1].

Ҳозирги кунда республикамиздаги боғ қатор ораларини кузги шудгорлашда очик далаларга мўлжалланган ПН-3/4-35, ПНЛ-3/4-35 плугларидан фойдаланилмоқда. Бу плуглардан фойдаланиш натижасида ҳар бир боғ қатор орасида тупроқ уюмлари ва ариқлар ҳосил қилади. Бунинг натижасида табиий ёғингарчиликдан ҳосил бўладиган намликни йўқолишига олиб келади. Бундан ташқари, боғ қатор ораларида ҳосил бўлган тупроқ уюмлари ва ариқларни текислаш каби кўшимча ишларни амалга оширишга тўғри келади [1].

Юқорида келтирилган камчиликларни бартараф этиш ва боғ қатор оралари тупроғини агротехник талаблар даражасида шудгорлаш учун янги плугларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Кўп йиллик ўрта бўйли боғ қатор ораларига текис ишлов берувчи лойиҳаланган плугда чап ва ўнг модуллар тракторга осииш механизидан турли масофаларда жойлашганлиги ва турлича чуқурликда тупроққа ишлов бериши сабабли осииш механизмининг ўлчамлари ҳам бошқа шу типдаги текис ишлов берадиган плуглар осииш механизмлари ўлчамларидан фарқ қилади.

Маълумки, плугнинг равон ишлашини унинг таянч ғилдиракларига тушадиган юкломанинги микдори ва ўзгарувчанлиги орқали баҳоланади [2].

Плугни осииш механизми параметрларини аниқлаш учун фазовий кучлар тизимини текисликдаги кучлар тизимига келтирамыз. Плугнинг мувозанатини бўйлама-вертикал (1-расм) текисликда кўриб чиқамыз.


Бўйлама вертикал текисликда плугга кўйидаги кучлар таъсир қилади (1-расм): оғирлик кучи $G_{\text{пл}}$, тупроқнинг ўнг \bar{R}_{xz}^y ва чап \bar{R}_{xz}^x модуллар корпусларига, ўнг \bar{R}_3^y ва чап \bar{R}_3^x заплужникларга реакция (қаршилик) кучлари, тупроқнинг катокка таъсир кучининг ташкил этувчилари Q_x^k , Q_z^k , тупроқнинг таянч ғилдиракларига реакция кучи Q . Бу қаршилик кучларининг йиғиндисига тенг ва қарама-қарши йўналган тортиш кучи \bar{P}_{xz} .

Таянч ғилдиракларига тушадиган юкларни аниқлаш учун плугнинг оний айланиш марказига нисбатан кучлар моментлари йиғиндисининг нолга тенг бўлиш шартидан фойдаланилди.

$$\begin{aligned} \sum M_{\pi} = & Q_x \cdot (h_H' + r_H \sin \alpha_H + z) + Q_z (x + \ell_a) + R_x^y \left(\frac{a_y}{2} + h_H' + r_H \sin \alpha_H + z \right) + \\ & + R_x^x \left(\frac{a_y}{2} + h_H' + r_H \sin \alpha_H + z \right) - (R_z^x + R_z^y) (x + r_H \cdot \cos \alpha_H + \ell_z) - G_{\text{пл}} (x + r_H \cos \alpha + \ell_G) - \\ & - R_3^x (a_y + h_H' + r_H \sin \alpha_H + z) - R_3^y (a_y + h_H' + r_H \sin \alpha_H + z) + Q_x^k (h_H' + r_H \sin \alpha_H + z) + \\ & + Q_z^k (x + r_H \cos \alpha_H + \ell_k) = 0 \end{aligned} \quad (1)$$

ифодадан Q_z ни топамиз

$$\begin{aligned} Q_z = & \frac{1}{x + \ell_a} [G_{\text{пл}} (x + r_H \cos \alpha_H + \ell_G) + (R_z^x + R_z^y) \cdot (x + r_H \cdot \cos \alpha_H + \ell_z) + \\ & + R_3^x (a_y + h_H' + r_H \sin \alpha_H + z) + R_3^y (a_y + h_H' + r_H \sin \alpha_H + z) - Q_x (h_H' + r_H \sin \alpha_H + z) - \\ & - R_x^x \left(\frac{a_y}{2} + h_H' + r_H \sin \alpha_H + z \right) - R_x^y \left(\frac{a_y}{2} + h_H' + r_H \sin \alpha_H + z \right) - \\ & - Q_x^k (h_H' + r_H \sin \alpha_H + z) - Q_z^k (x + r_H \cos \alpha_H + \ell_k)] \end{aligned} \quad (2)$$



1-расм. Боғ қатор ораларига текис ишлов берадиган плугга бўйлама-вертикал текисликда таъсир қилувчи кучлар схемаси

(2) ифода боғ қатор ораларига текис ишлов берадиган плуг таянч ғилдирагига тупроқнинг реакция кучларини плугни тракторга тақиш қурилмаси параметрлари $(r_H, \alpha_H, h_H', h_H'', x, z)$, ишчи органларнинг ўзаро жойлашиш параметрлари $(\ell_a, \ell_G, \ell_z, \ell_k)$, тупроқнинг ишчи органларга кўрсатадиган қаршилик кучлари $(R_{xy}^x, R_{xy}^y, R_3^x, R_3^y, Q_x^k, Q_z^k)$ га боғлиқ ҳолда аниқланади.

(2) ифодадаги тупроқнинг қаршилик кучларини қўйидаги ифодалар орқали аниқланди [3]:

$$R_x^x = k \cdot a_{\text{ч}} \cdot v_{\text{к}} \cdot n_{\text{к}}^x, \quad R_z^x \approx 0.3 R_x^x,$$

$$R_x^y = k \cdot a_y \cdot \epsilon_k \cdot n_k^y, \quad R_z^y \approx 0.3R_x^y,$$

бу ерда a_x, a_y – мос равишда чап ва ўнг корпуслар ишлов бериш чуқурлиги, см; n_k^x, n_k^y – мос равишда чап ва ўнг корпуслар сони, донга; k – тупрокнинг солиштирма қаршилиги, Н/см²; ϵ_k – корпусларнинг қамраш кенглиги, см.

Q_x^k ва Q_z^k ларнинг қийматини қуйидаги формулалар орқали ҳисобланди [4]:

$$Q_x^k = 4 \cdot r_{кт}^2 \cdot B_k \cdot q \left[\sin^2 \frac{\epsilon_0}{2} 2 \cos^2 \frac{\epsilon_0}{2} - 2 \cos \frac{\epsilon_0}{2} \right] + \rho \cdot V_n^2 \cdot B_k \cdot r_{кт} \sin^2 \frac{\epsilon_0}{2} \quad (3)$$

$$Q_z^k = 2B_k \cdot r_{кт} (\epsilon_0 - \sin \epsilon_0) (r_{кт} q + \frac{1}{4} q \cdot V_n^2), \quad (4)$$


бу ерда $r_{кт}$ – таянч текисловчи каток радиуси, м; B – таянч текисловчи катокнинг қамраш кенглиги, м; q – тупрокнинг ҳажмий сиқилиш коэффициентини, Н/м³; ϵ – таянч текисловчи катокнинг тупроққа кириш бурчаги, рад; ϵ_0 – таянч текисловчи катокнинг тупроқни ҳажмий сиқилишидаги элементар узунлигига мос келувчи бурчак, рад; V_n – тупрок заррачасининг таянч текисловчи каток планкаси билан биргаликдаги абсолют тезлиги, м/с; ρ – тупрокнинг зичлиги, кг/м³.

Таянч ғилдирагидаги реакция кучининг горизонтал ташкил этувчисини Грандвуан-Горячкин формуласидан фойдаланиб ҳисобланди [5].


Таъсир этувчи кучларнинг қийматлари ўзгарувчан. Тупроқ шароитининг, рельефнинг ўзгарувчанлиги бу кучларнинг ҳам ҳар онда ўзгаришига сабаб бўлади. Аммо ҳисоблашлар учун бу кучларнинг қийматлари ва йўналишларини ўзгармас деб қабул қиламиз.

Юқорида олинган ифодаларни Excel дастури ёрдамида таҳлил қилганимизда қуйидаги натижалар олинди.

2, 3-расмларда плуг корпуслари ҳар хил чуқурликларга ўрнатилганда Q_z таянч ғилдиракка тушадиган юкларнинг h'_H , ℓ_Q ларга боғлиқлик графиклари қурилган.



2-расм. Таянч ғилдиракларга тушадиган Q_z кучининг тақиш механизми баландлигига h'_H боғлиқлиги графиги:
1 – $a_x=0,26$ м, $a_y=0,16$ м; 2 – $a_x=0,28$ м, $a_y=0,18$ м;
3 – $a_x=0,30$ м, $a_y=0,20$ м



3-расм. Таянч ғилдиракларга тушадиган Q_z кучининг тақиш механизмидан таянч ғилдираги марказигача бўлган ℓ_Q масофага боғлиқлиги графиги: 1 – $a_x=0,26$ м, $a_y=0,16$ м;
2 – $a_x=0,28$ м, $a_y=0,18$ м; 3 – $a_x=0,30$ м, $a_y=0,20$ м

